

“ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ” ТУШУНЧАСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА АКС ЭТИШИ

Шухрат Шокирович ШАРАПОВ

Мустақил изланувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада таълим олиш ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинishi ва ҳимоя қилинishi умумий таҳлил қилинади. Дастлаб таълим олиш ҳуқуқига тамал тоши қўйган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи турли халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда БМТнинг ихтисослашган агентликлари сифатида ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: инсон ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, таълим, таълим олиш ҳуқуқи, умумий шарҳлар.

ОТРАЖЕНИЕ ПОНЯТИЯ ПРАВО НА ОБРАЗОВАНИЯ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРАВОВЫХ АКТАХ

Шухрат Шокирович ШАРАПОВ

независимый исследователь

Бухарский государственный университети

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье дан общий анализ признания и защиты права на образование международным правом. Рассмотрены Всеобщая декларация прав человека, в которой был заложен фундамент права на образование, различные международные и региональные правовые документы, защищающие право на образование, а также правовые документы, принятые специализированными учреждениями ООН - ЮНЕСКО и Международной Организацией Труда.

Ключевые слова: права человека, Всеобщая декларация прав человека, Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах, образование, право на образование, общие комментарии.

1948 йилгача инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи навбатда миллий даражада (масалан, миллий конституцияларда) мавжуд эди. Ҳаммаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзгарди, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш” ҳамда “ирқи, жинси тили ёки динидан қатъи назар, барча учун инсон ҳуқуқлари ва асосий

эркинликларини ҳурмат қилиш”ни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган эди. Унинг миссиясининг бир қисми сифатида 1948 йилда халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди.

Декларация биринчи марта инсон ҳуқуқлари “барча халқлар ва барча элатлар учун умумий ютуқлар стандарти” ва халқаро ҳамжамиятнинг ушбу ҳуқуқларни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш, тан олиш ва ҳурмат қилиш мажбуриятини ўз ичига олган муҳим ҳужжатдир.

Таълим олиш ҳуқуқи унинг моддаларида инсон ҳуқуқи сифатида эътироф этилган. Унда шундай дейилган: Хусусан, 26-моддада:

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир [3].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси шартнома бўлмагани учун юридик кучга эга бўлмаса-да, муҳим сиёсий ва норматив таъсирга эга. Инсон ҳуқуқлари бўйича юзлаб халқаро, минтақавий ва миллий қонунлар ва механизмлар унинг меъёрий аҳамиятидан далолат беради. 2018 йил ҳолатига кўра, таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган камида 48 та халқаро ва минтақавий шартномалар мавжуд [11;47].

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантирди ва уни ўзаро манфаатли соҳаларда ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг шартномавий-ҳуқуқий базасини 4 минг 200 дан ортиқ ҳужжат ташкил қилиб, улардан 500 га яқини универсал ва минтақавий характерга эга кўп томонлама халқаро шартномалардир. 3 минг 700 дан ортиғи эса икки томонлама халқаро ҳужжатлар ҳисобланади. Хусусан охириги беш йил давомида хорижий ҳамкорлар билан 781 та халқаро ҳужжатлар имзоланди, шунингдек, Ўзбекистон 26 та универсал халқаро шартномаларнинг аъзосига айланди [12].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида келтирганидек, инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан биридир.

Биз ҳамма учун очиқ ва сифатли таълимни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омили, деб биламиз.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда бу борада катта тажриба тўплади – таълим тизими тубдан ўзгармоқда. Ўтган олти йилда мактабгача таълимдаги қамров 21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизга етди. 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилади [2].

Халқаро миқёсда оладиган бўлсак, халқаро ҳужжатлар, жумладан, шартномалар, халқаро одатлар, ҳуқуқнинг умумий тамойиллари, суд ишлари ва турли ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларининг ҳисоботлари ва ҳужжатларидан олинган юмшоқ ҳуқуқни ҳар томонлама кўриб чиқиши керак.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда таълим олиш ҳуқуқининг таърифини шакллантиришга уриниш мавжуд. Таълим олиш ҳуқуқини белгилашда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт алоҳида аҳамиятга эга, шунинг учун биз биринчи навбатда, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий масалалар бўйича қўмита томонидан қабул қилинган уни изоҳловчи умумий шарҳларга мурожаат қиламиз.

11-сонли умумий тартибдаги шарҳда – Бошланғич таълим бўйича чоратадбирлар режасида (14-модда) таъкидланишича, таълим олиш ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва бошқа жиҳатдан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқдир, чунки бу ҳуқуқларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши учун асос ҳисобланади.

Шу ўринда маълум ва машҳур инсон ҳуқуқлари олими Карел Васак инсон ҳуқуқларининг уч авлоди ғоясини тақдим этган, бу бизга инсон ҳуқуқларининг турлари ва эволюциясини яхшироқ тушуниш имконини беради. Инсон ҳуқуқларининг биринчи авлоди фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардир. Инсон ҳуқуқларининг иккинчи авлоди иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, учинчи авлоди эса бирдамлик ҳуқуқлари деб аталади [4].

Бу биринчи ва иккинчи авлод ҳуқуқларининг хусусиятларини энг қўп ва ёрқин тарзда ўзида мужассам этган ва барча инсон ҳуқуқларининг ажралмаслиги ва ўзаро боғлиқлигини ўзида жам этган – таълим ҳуқуқидир.

13-сонли Умумий тартибдаги шарҳнинг 13-моддасида таълим олиш ҳуқуқини функционал жиҳатдан “катталар ва болаларнинг иқтисодий ва ижтимоий маргиналлашган гуруҳларини қашшоқликка барҳам бериш ва ўз жамиятлари ҳаётида тўлиқ иштирок этиш имкониятига эга бўлишнинг асосий воситаси сифатида тушунилади” [5;88-106]. Бу таълим олиш ҳуқуқининг ягона таърифи бўлиб, уни универсал даражадаги актларда топиш мумкин, аммо бу таърифни тўлиқ деб аташ қийин.

Таълим олиш ҳуқуқининг таърифи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, назарий жиҳатдан ҳам ажралиб турадиган алоҳида элементлардан ташкил топиши мумкин. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, қўпинча таълим

элементлари (жараён сифатида, ижтимоий ҳодиса сифатида) ва таълим олиш ҳуқуқи элементлари (шахснинг субъектив имконияти сифатида) аралашмаси мавжуд. Масалан, 13-сонли умумий тартибдаги шарҳда иштирокчи-давлат ўқувчиларнинг манфаатларини таъминлаш учун мавжуд бўлиши керак бўлган таълимнинг асосий хусусиятлари муҳокама қилинади:

1. Мавжудлик – яъни, пактда иштирок этувчи давлат ҳудудида етарли миқдордаги таълим муассасалари ва дастурларини ташкил этиш.

2. Очиқлик – бу, ўз навбатида, бир-бирига боғлиқ бўлган учта омилга бўлинади: биринчиси – камситмаслик, иккинчиси – жисмоний фойдаланиш имконияти, учинчиси – иқтисодий қулайлик.

3. Мақбуллик – таълим шакли ва мазмуни юқори сифатли бўлиши, давлатнинг минимал талабларига жавоб бериши, ўқувчиларнинг маданий хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

4. Мослашувчанлик – ўзгарувчан жамият эҳтиёжларига мос равишда таълимни ўзгартириш мослашувчанлиги ва қобилятини, шунингдек, ижтимоий-маданий меъёрларнинг фарқлари билан боғлиқ бўлган талабалар эҳтиёжларини қондиришни назарда тутди.

Таълим олиш ҳуқуқи фундаментал ҳуқуқ ҳисобланади, чунки у жамият тараққиётини ҳам, ҳар бир шахснинг индивидуал ривожланишини ҳам белгилайди.

Таълим олиш ҳуқуқи бошқа инсон ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлардан ҳамла ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқади. Амалда таълим олиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги барча шикоятларда бошқа ҳуқуқларнинг бузилиши ҳам биргаликда кўриб чиқилади. Энг аввало, таълим олиш ҳуқуқи маданий ҳаётда иштирок этишнинг кенгроқ ҳуқуқи [13], шунингдек, фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасида таълим олиш, шу жумладан, оналарнинг мактаб танлаш ҳуқуқи, шунингдек, болаларнинг яъни, уларнинг

фарзандларининг диний ва ахлоқий тарбиясини таъминлаш ҳуқуқи мустаҳкамлангани бежиз эмас. Таълим олиш ҳуқуқининг субъекти бола бўлган тақдирда, унинг таълим олиш ҳуқуқи ота-онасининг фикрлаш, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида таълим олиш ҳуқуқи билан фикрлаш, виждон ва эътиқод эркинлиги, шу жумладан, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркинлиги ўртасидаги боғлиқлик масаласи бир неча бор кўтарилган [10].

Таълим олиш ҳуқуқи меҳнат қилиш ҳуқуқи билан энг чамбарчас боғлиқ ҳуқуқдир. Биринчидан, меҳнат қилиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш имконияти кўпинча таълим малакаси билан чекланади. Шунинг учун таълим олиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри тегишли турмуш даражасига боғлиқ бўлган ҳуқуқдир. Иккинчидан, ХМТнинг 182-сонли “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва бартараф этиш бўйича шошилиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Конвенцияда болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари қарши курашишга айнан таълим орқали эришилиши айтилади. Шунинг учун таълим олиш ҳуқуқи нафақат меҳнат қилиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун асос, балки унинг бузилишига тўсик бўлиши мумкин. Шунингдек, ХМТнинг 140-сонли “Ҳақ тўланадиган таълим таътиллари тўғрисида”ги Конвенцияси ҳам эътиборга молик, унинг муқаддимасида таълим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг бевосита боғлиқлиги белгиланган.

Таълим олиш ҳуқуқи муайян сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг зарурий шартидир, масалан, маълум бир давлат хизмати лавозимларини эгаллаш учун таълим малакаси белгиланади [1].

Таълим олиш ҳуқуқининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқлигини Инсон ҳуқуқлари кенгаши ҳам таъкидлайди.

Камситишлар ва бундай ёрдамчи ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш йўлидаги бошқа тўсиқлар, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишнинг бошқа ҳуқуқларидан тенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга путур етказди. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш таълим олиш

хукуқи ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳукуқи ўртасидаги яқин боғлиқликни кайд этиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита хулосаларига таяниб, “давлат мансабларига муносиб номзодларни таълим, яшаш жойи, келиб чиқиши ёки сиёсий ташкилотга мансублик каби сабабларга кўра камситишларни”ни тақиқлайди [6].

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси таълим олиш ҳукуқи ва ижтимоий таъминот ҳукуқи ўртасидаги боғлиқликни таъкидлаб, “ижтимоий таъминот ҳуқуқини амалга ошириш иштирокчи-давлатлар учун муҳим молиявий оқибатларга олиб келишини таъкидлайди. Иштирокчи давлатлар барча шахслар ва оилаларга энг асосий таълим олиш имконини берадиган энг кам даражадаги имтиёзларни кафолатлайдиган ижтимоий таъминот тизимидан фойдаланишни таъминлашлари шарт.

Таълим олиш ҳуқуқининг хусусиятларидан бири унинг мазмунининг босқичларига қараб ўзгаришидир. Таълим олиш ҳуқуқини мустақамловчи дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда у аллақачон аниқ уч асосий турга бўлинган: бошланғич, ўрта ва олий маълумот олиш ҳуқуқи. Бинобарин, таълим олиш ҳуқуқининг ягона таърифи етарли эмас, шунинг учун ҳар бир босқич учун мазмунни шакллантириш керак. Касб-ҳунар таълимига келсак, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 6-моддаси 2-бандига ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси 1-бандига кўра, у барча таълим босқичларининг, шу жумладан, ўрта ва олий таълимнинг таркибий қисмидир, шунинг учун касб-ҳунар таълими ҳуқуқини алоҳида ажратиб кўрсатиш нотўғрилиги белгиланган. Яқин вақтгача худди шундай позиция Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида кузатилган.

Мисол учун, Лейла Шаҳин Туркияга қарши ишида суд бир босқичга нисбатан кафолатланган баъзи ҳуқуқлар бошқасига нисбатан бутунлай бошқача бўлиши мумкинлигини таъкидлади ва давлатнинг умумий бошланғич ва ўрта таълимни таъминлаш мажбурияти билан давлатнинг олий таълим олиш имкониятини чеклаш ҳуқуқи ўртасидаги аниқ фарқни кўрсатди.

Таълимнинг ҳар бир тури учун ишчи таърифларни олишда биз Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси томонидан қабул қилинган Умумий шарҳларга мурожаат қиламиз ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга мувофиқ таълим олиш ҳуқуқини таълим босқичи бўйича ажратамиз.

Бошланғич таълим олиш ҳуқуқи бўйича энг аниқ позиция ишлаб чиқилган, 11-сонли умумий шарҳ бутунлай бошланғич таълим бўйича ҳаракатлар режасига бағишланган. Ушбу ҳужжат бошланғич таълим ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги ва асосий таълимнинг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлайди (шарҳлар терминологиясида асосий таълим бу – бошланғич ва ўрта таълимнинг комбинацияси). Бошланғич таълим олиш ҳуқуқининг қуйидаги элементлари ажратилади:

1. Мажбурий.
2. Бепул.
3. Батафсил ҳаракатлар режасини қабул қилиш.
4. Давлатнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашнинг мумкин эмаслиги.
5. Мажбурий бепул бошланғич таълим ҳуқуқини босқичма-босқич амалга ошириш [7].

Афсуски, бу ҳолда тушунчаларнинг аниқ чалкашлиги мавжуд, санаб ўтилган элементларни таълим олиш ҳуқуқининг эмас, балки таълимнинг элементлари деб аташ мумкин. Шунга қарамай, 11 ва 13-сонли умумий тартибдаги шарҳларда келтирилган элементлардан бошланғич таълим олиш ҳуқуқининг амалий таърифини олиш мумкин. Бошланғич таълим олиш ҳуқуқи – бу шахснинг асосий таълим эҳтиёжларини ҳеч қандай камситишларсиз, маданий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, универсаллик, мажбурий ва бепул қондириш учун давлат томонидан кафолатланган имкониятдир.

Ўрта таълимга бўлган ҳуқуқ 13-сонли умумий шарҳда (11-14-бандлар) муҳокама қилинади ва асосий таълимни якунлаш ва кейинги таълим ва шахсий ривожланиш учун асос яратиш ҳуқуқини назарда тутди. Асосий таълимга

бошланғич ва ўрта таълимнинг комбинацияси сифатида қаралади, бу шахснинг янада ривожланишига ҳисса қўшади ва кейинги таълим учун асос яратади. Шарҳда таъкидланган асосий элементлар, шунингдек, таълим ҳуқуқи билан бир қаторда унинг элементлари ҳамдир:

1. Очқлик.

2. Шакллардаги фарқ, бу дастурларнинг мослашувчанлигини ва муқобил давлат таълим дастурларини илгари суришни назарда тутди.

3. Бепул таълимни босқичма-босқич жорий этиш (шу жумладан, мактаб формаси каби билвосита харажатларни камайтириш).

4. Тенг фойдаланиш имконияти, яъни, ўқувчининг ўрта таълим олиш имкониятини унинг қобилиятига боғлиқ қилиб қўймаслик керак [8].

13-сонли умумий шарҳга асосланиб, ўрта таълимга бўлган ҳуқуқнинг қуйидаги таърифини чиқариш мумкин: ўрта таълим олиш ҳуқуқи бу – шахснинг давлат томонидан тан олинган ҳар қандай шаклда очқлик ва умумий фойдаланиш имконияти асосида асосий таълимни тамомлаши учун давлат томонидан қафолатланган имконият.

Ва ниҳоят – олий таълим олиш ҳуқуқи. Олий таълим олиш ҳуқуқи 13-сонли умумий шарҳларда (17-20-бандлар) ўрта таълим олиш ҳуқуқи билан таққослаш йўли билан кўриб чиқилади ва шунга мос равишда унинг учун қуйидаги элементлар ажратилади:

1. Мослашувчан дастурлар ва турли тизимлар, жумладан, масофавий таълимни ўз ичига олган турли шакллар.

2. Қобилиятга асосланган ҳамма учун очқлик ва бу элемент олий таълим ва ўрта таълим ўртасидаги асосий фарқдир. Қобилиятлар барча олинган тажриба ва билимлар асосида баҳоланади.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция нуқтаи назаридан олий таълим олиш ҳуқуқига, “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси” тадқиқоти олий таълим олиш ҳуқуқига нисбатан “ҳуқуқ” атамасининг тўғри ишлатилишини шубҳа остига қўяди. Муаллифлар буни давлат томонидан қабул мезонларини белгилаш орқали

олий таълим олиш имкониятини чеклаш, шунингдек, жамият ресурслари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муайян касбий йўналишлар бўйича ўринларни чеклаш имконияти билан боғлайди. Фикримизча, ҳуқуқ фақат маълум шароитларда чекланиши мумкинлиги сабабли, ҳуқуқ бўлишдан тўхтамайди, олий маълумот олиш ҳуқуқини рад этиш эса нотўғридир.

Давлатларнинг халқаро интеграцияси олий таълим даражасида энг фаол кечаётганлиги сабабли олий таълим олиш ҳуқуқига аниқ таъриф бериш ва унга асосланган давлатлар ҳамкорлигини янада кўриб чиқиш зарур кўринади. Олий таълим олиш ҳуқуқи – бу зарурий даражадаги бошланғич ва ўрта таълимга эга бўлган шахснинг олий даражадаги юқори сифатли касбий таълим олиш қобилиятига асосланган давлат томонидан кафолатланган имкониятидир десак тўғри бўлади.

Таълим олиш ҳуқуқини тушуниш фаол ривожланмоқда ва ҳозирги вақтда таълим босқичига қараб таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни ўртасидаги фарқ ҳали ҳам мавжуд, аммо энди принципиал эмас. Бироқ, таълим олиш ҳуқуқини чекловчи доиралар аста-секин кенгайиб бораётганини ва бу ҳуқуқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда биринчи марта қайд этилганидан буён сезиларли даражада кенгайиб бораётганини тан олмаслик мумкин эмас. “Таълим ҳамма учун” ҳаракати ташкил этилган 1990 йилдан бошлаб таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқилди. Алоҳида субъектнинг таълим олиш ҳуқуқининг чегаралари инсоннинг бутун ҳаётидир. Инсон туғилгандан то ўлимигача, бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш ҳуқуқига эга. ЮНЕСКОнинг яқинда қабул қилинган барча декларациялари умрбод таълим олиш ҳуқуқига бағишланган, умрбод таълим олиш ҳуқуқи минтақавий халқаро ҳуқуқий тартибга солиш даражасида илгари сурилмоқда. Таълим олиш ҳуқуқини тушунишдаги ушбу ўзгаришлар муносабати билан янада кенгроқ таърифга эҳтиёж бор.

Таълим олиш ҳуқуқи – бу ҳар қандай шахс учун мавжуд таълим муассасаларига бепул ва тенг кириш асосида сифатли таълим олиш ва тугалланган таълимни расмий тан олиш орқали ўз таълим эҳтиёжларини

кондириш ҳамда шахснинг ҳаёти давомида салоҳиятини доимий равишда ривожлантириш учун давлат томонидан кафолатланган имкониятдир.

Таълим соҳасидаги барча мақсад ва вазифаларга эришиш учун шуни таъкидлаш жоизки, бу ҳуқуқнинг ўзи нафақат эълон қилиниши, балки реал бўлиши керак. Бу ҳолда воқелик шуни англатадики, давлатлар таълим соҳасида барча чора-тадбирларни қўллаш имкониятини яратиши, шунингдек, билим ва кўникмаларга эга бўлиш жараёнида шахс учун қийинчилик туғдирадиган сунъий тўсиқларни истисно қилишлари керак. Таълим олиш ҳуқуқининг реаллиги давлатда таълимнинг барча даражалари (бошланғич, ўрта ва олий) мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятини ҳам назарда тутати.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим олиш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун таълим соҳасида давлатларнинг яқин ҳамкорлиги ва кейинчалик интеграциялашуви зарур. Бу у ёки бу даражада жамият ва шахснинг барча соҳаларига тааллуқлидир ва иқтисодий, ижтимоий, маданий, шунингдек, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига таъсир қилади. Таълим олиш ҳуқуқидан тўғри фойдаланилса, у ҳам муайян шахс, ҳам бутун жамият учун инкор этиб бўлмайдиган неъмат бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августъ ЎРҚ-788-сон Қонуни. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. 20.09.2023 // URL <https://president.uz/uz/lists/viyew/6677>.
3. Universal Declaration of Human Rights.//URL: <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>
4. Anniye Pruthi, Evolution of Human Rights //URL: <https://www.drishtiiias.com/blog/evolution%20of%20human%20rights#:~:text=The%20first%20generation%20rights%20include,religion%2C%20freedom%20of%20movement%20etc.>

5. Annual report of the United Nations High Commissioner for Human Rights and reports of the Office of the High Commissioner and the Secretary-General Promotion and protection of all human rights, civil, political, economic, social and cultural rights, including the right to development Factors that impede equal political participation and steps to overcome those challenges 30.06.2014. P.88,106

6. Compilation of general comments and general recommendations adopted by human rights treaty bodies, RI/GEN/1/Rev.9 (Vol. I).27 May 2008. Original: ENGLISH. P.75- 77.

7. CESCR General Comment No. 11: Plans of Action for Primary Education.//URL <https://www.refworld.org/docid/4538838c0.html>

8. CESCR General Comment No. 13: The Right to Education (Art. 13) //URL:<https://www.refworld.org/docid/4538838c22.html>

9. Grand Chamber case of Lautsi and others v Italy, case of Folgero and other v Norway, case of Leyla Şahin v Turkey

10. Right to education handbook.P.47, Published in 2019 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO)

11. Янги Ўзбекистон замонавий таъқиқ сиёсатининг халқаро-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда //URL https://dunyo.info/uz/site/inner?slug=yangi_o%E2%80%9898zbekiston_zamonaviy_tashqi_siyosatining_xalqaro-huquqiy_asoslari_mustahkamlanmoqda-VD0

12. В частности, при рассмотрении сообщения в Комитет по экономическим, социальным и культурным правам, право на образование (ст.13 Пакта) и право на участие в культурной жизни (ст.15 Пакта) рассматриваются в совокупности (Сообщение № 3 /20141, Соображения, принятые Комитетом на его пятьдесят восьмой сессии 6–24 июня 2016 года).

13. Соображения Комитета по экономическим, социальным и культурным правам в соответствии с Факультативным протоколом к Международному пакту об экономических, социальных и культурных правах (пятьдесят седьмая сессия) // URL <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/G08/422/43/PDF/G0842243.pdf?OpenElement>